

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Т.106.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНҒАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВА ЗУЛФИЯ МАХМУДЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЭНЕРГИЯ ВА
БИОЎҒИТ ОЛАДИГАН БИОГАЗ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ
ИШОНЧЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергетик қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
technical sciences**

Мамадалиева Зулфия Махмуджановна

Ўзбекистон иқлим шароитида энергия ва биоўғит оладиган биогаз
курулмаларнинг ишончилигини баҳолаш 3

Мамадалиева Зулфия Махмуджановна

Оценка надежности биогазовых установок для получения энергии и
биоудобрений в климатических условиях Узбекистана23

Mamadaliyeva Zulfiya Makhmudzhanovna

Assessment of the reliability of biogas installations for generating energy and
biofertilizers in the climatic conditions of Uzbekistan43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Т.106.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНҒАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВА ЗУЛФИЯ МАХМУДЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЭНЕРГИЯ ВА
БИОЎҒИТ ОЛАДИГАН БИОГАЗ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ
ИШОНЧЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергетик қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида 2022-10-14 В2018.2.PhD/Г776 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziynet.uz) Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Имомов Шавкат Жаҳонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиазаров Алишер Хайдаралиевич
техника фанлари номзоди, профессор

Воҳидов Акмал Улашевич
техника фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/27.02.2020. Т.106.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил « 14 » 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150107, Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси 86-уй. Фарғона политехника институти. Тел./факс: (99873) 241-12-06. e-mail: ilmiy-kengash@ferpi.uz, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (135 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси 86-уй. Фарғона политехника институти. Тел./факс: (99873) 241 12 06.

Диссертация автореферати 2022 йил « 2 » 12 куни тарқатилди.
(2022 йил « 1 » 12 даги 3 рақамли реестр баённомаси).




С.Ф.Эргашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент


М.О.Узбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD., доцент


А.А.Кучқаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, PhD., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш, углеводородли ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш ҳамда ускуналарнинг энергетик самарадорлигини аниқлаш асосида энергия тежаш заҳирларини баҳолаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган энергиянинг 88% қазиб чиқилмаган ёқилғидан ишлаб чиқарилганлиги ҳисобга олинса¹, айнан арзон бўлган органик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали энергия ва биоўғит оладиган биогаз қурилмасининг ишончли ишлашини ошириш, уларни қайта ишлаш жараёнида энергетик ва экологик сифатларига эътибор қаратиш, қайта ишловчи қурилмаларнинг ишончилигини баҳолаш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш орқали амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан жойнинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, иккиламчи органик чиқиндиларни кислородсиз муҳитда қайта ишлаш орқали, энергия ва биоўғит ишлаб чиқувчи биогаз қурилмалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда энергия ва биоўғит ишлаб чиқувчи биогаз қурилмасининг ишлашининг ишончилигини баҳолаш, хусусан узлуксиз ишлаш ва тўхташ ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш орқали ишончилик даражасини ошириш ҳамда конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан биогаз қурилмаларининг лойиҳалаш, қурилманинг тўхтовсиз ишлашининг баҳолаш ва агрессив муҳит ҳисобига тўхтаб қолиш сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, биогаз қурилмалари ишончилигини тавсифловчи эҳтимолли- мантиқий модели сифатида тўхташ ва ишончилик шажараси сценарийси яратиш, лойиҳалаш даврида биогаз қурилмасининг тўхтовсиз ишлашининг асосий омиллар ишончилигини баҳолаш ва башорат этиш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тарраққиёт стратегияси”да Ўзбекистон Республикасида 2026 йилга қадар “ Республика умумий энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25%га етказиш эвазига йилига қарийб уч миллиард куб метр табиий газни тежаш, бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган². Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда, мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишларни мажмуавий ташкил этиш, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, жумладан

¹ Ўзбекистон қайта тикланадиган энергетикани ривожлан-тиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича умумий тадқиқотлар. БМТТД лойиҳаси ҳисоботи. - Тошкент, 2006 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарраққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони.

биогаз қурилмаларининг лойиҳалаш, қурилманинг тўхтовсиз ишлашининг баҳолаш ва агрессив муҳит ҳисобига тўхтаб қолиш сабаблари ва уларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тарраққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4779-сонли Фармони⁴ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва уларда ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 452-сонли Қарори⁵ ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг IV-«Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биогаз қурилмаларининг ишончли ишлаши ва ишончилигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан the National Renewable Energy Laboratory (АҚШ), Latvia University of Agriculture (Латвия), Karlsruhe Institut für Technologie (Германия), Technical University of Denmark (Дания), University of Applied Sciences Wiener Neustadt (Австрия), Москва энергетика институти ва Санкт-Петербург давлат политехника университети (Россия), Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва мелиорация муҳандислари институти (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Органик чиқиндиларни қайта ишловчи биогаз қурилмаларни энергия манбалари сифатида қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш усуллари ва воситаларининг илмий асосларини ечишга қаратилган назарий ҳамда илмий муаммоларни ҳал қилишда хорижлик бир қатор машҳур олимлар Р. Rivža, I. Pilvere, V. Rivža, Р.Г. Грим, А.Т. То, С.А. Фарберу, Ж. Вайанд, Р. Мскенна, К. Карнер, Л. Враун, С. Ҳарбес ва бошқалар кўплаб изланишлар олиб борилиб, кўп таркибли органик чиқиндиларни қайта ишловчи биогаз қурилмаларни тадқиқ қилишган.

Анаэроб қайта ишлов беришда қаттиқ ва суюқ органик чиқиндиларни парчаланиши, физик - механик таркибларини ўрганиш, ўрнатилаётган жойнинг иқлим шароити ва юқори сифатли жихозлардан, биогаз қурилмаларидан фойдаланув-

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарраққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4779-сонли Фармони.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва уларда ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 452-сонли Қарори.

чиларини ўқитишга Россиялик олимлар В.Омелянский, С.Беляев, С.Калюжный, А.Пузанков, С.Варфоломеев, Н.Абрамова, С.Костарева, О.Вайсмана, Е.Панцхави, Е.Давиденко ва бошқалар томонидан эътибор қаратилган.

Республикамизда О.Салимов, Б.Рахматов, У.Эшонкулов, Н.Халилов, Ш.Имомов, М.Султоновлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда биореакторларни турли туркумлари ва ҳажм бирлигидан олинган биогаз миқдорини ва қайта ишлов бериладиган ўғит сифатини яхшилаш, турли хил ҳарорат ва аралаштириш режимида метан бактерияларининг фаоллигини ошириш каби ишларни амалга оширишган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, ҳозирги кунгача Республикамизда мавжуд органик чиқиндилар қайта ишловчи биогаз қурилмаларининг асосий муаммоларидан бири уларнинг бир маромда узлуксиз ишламаслиги ва назоратга олинмаганлиги, фойдаланувчиларнинг эксплуатация давридаги ҳатоликлари, ташқи таъсирлар ва иқлимнинг ўзгаришларига эътибор қаратилиб ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертациядаги илмий-тадқиқот ишлари Наманган муҳандислик технология институтида И-2014-2-12 «Биогазда ишловчи кам миқдордаги газ сарфини талаб қилувчи электр газогенераторларни ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш» (2014-2015 й.й.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон иқлим шароитида энергия ва биоўғит оладиган биогаз қурилмаларнинг ишончлилигини баҳолаш орқали самарадор ва узлуксиз ишлашини таъминлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ва жаҳон амалиётида мавжуд биогаз қурилмаларнинг ишончлилигига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

биогаз қурилмаларнинг ишончли ишламаслик ёки тўхтаб қолиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этиш ва Марков жараёни моделлари асосида биогаз қурилмаларнинг ишончлилигини мажмуавий баҳолаш орқали асослаш;

биогаз қурилмаларини ишончли ишлашида муайян иқлим шароитида атроф муҳит ҳарорати ва ҳаводаги намлигининг таъсирини ўрганиш;

биогаз қурилмаларнинг ишончлилигининг эхтимолли-мантиқий модели ва функционал яхлитлик схемасини тузиш ҳамда иш жараёнида иштирок этадиган тизим ва бўғинларни шунингдек таъсир этувчи омилларни қурилманинг тўхташидаги аҳамиятлилик улушини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида мавжуд ишлаётган ва тўхтаб қолган йигирма олти биогаз қурилмалари олинди.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон иқлим шароитида энергия ва биоўғит ишлаб чиқадиган биогаз қурилмаларнинг ишончлилигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш услубиётлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида биогаз қурилмаларни ишончлилигини техник-иқтисодий баҳолаш, статистик таҳлил усуллари, математик статистика, иқтисодий самарадорликни баҳолаш, математик моделлаштириш, эхтимолли мантиқий моделлаштириш усуллари бўлган функционал яхлитлик схемаси, энг кичик кесимлар усули ва омилларнинг аҳамиятлилиги бўйича баҳолаш услубиётлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биогаз қурилмаларнинг шакли, юкланиш услуги, жойлашуви, аралаштириш тури, иситиш тизими, бижитиш режими ва материал турини ҳисобга олган ҳолда доимий

ташҳис қўйиш имконини берувчи, ишлаш ва тўхташ сабаблари ўртасидаги аломатли боғлиқликларни ифодаловчи матрица яратилган;

заҳирали тикланмайдиган ва тикланадиган биогаз қурилмалари учун Марков жараёни ишончлилик модели асосида тикланиш ва тўхташ частотасидаги боғлиқ ҳолда башорат қилинаётган тўхташлар жадаллиги, тўхташлар орасидаги ўртача вақт ва ишончлилик коэффицентини аниқлаш учун математик ифода олинган;

илк бор иқлим омиллари бўлган атроф-муҳит ҳарорати ва ҳаво намлигининг агрессив муҳити ҳисобига биогаз қурилмасининг тизими ва жиҳозларнинг турли бўғинларида тадрижий тўхташларни юз бериш эҳтимоллиги ишлаб чиқилган;

илк бор биогаз қурилмаларни лойиҳалаш даврида қурилмаларнинг ишончлиликка таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда эҳтимолли- мантиқий модели сифатида тўхташ ва ишончлиликни баҳолаш усули яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биогаз қурилмаларининг тўхташ ва ишончлилик шажараси алгоритми тузилиб, қурилманинг тўхташига сабаб бўладиган технологик тўхташлар эҳтимоли $P_1=0,09$, иқлим омили таъсири $P_2=0,9$; анаэроб жараёнини нотўғри ташкил қилишда юзага келган хатоликлар таъсири $P_3=0,09$, биогаз қурилмаси оператори хатолиги $P_4=0,999$, қурилма носозлигини аниқловчи жиҳозлар хатолик эҳтимоллиги $P_5=0,181$ га тенглиги аниқланган.

биогаз қурилмасининг тикланадиган такрорий тизим сифатида Марков жараёнлари модели орқали λ тўхташлар жадаллиги параметрининг ҳар бир қиймати учун биогаз қурилмасини μ -тикланиш жадаллиги тайёрлик коэффицентини 10% ошириб, тўхтаб қолиш коэффицентини 6% камайтирилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қабул қилинган таққослаш мезонларига асосланади ва аналитик формулалар билан тасдиқланиб, назарий ва экспериментал маълумотларнинг қиёсий таҳлилини, ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг ўзаро мос келиши, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон иқлим шароитида биогаз қурилмаларни лойиҳалаш, ишга тушириш ва эксплуатацияси даврида ишончли ишлашини таъминловчи услубиётларни қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти энергия ва биоўғит ишлаб чиқадиган биогаз қурилмаларини ишончлиликни лойиҳалаштириш ва эксплуатация жараёнлари мобайнида баҳоланиши орқали ифодланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон иқлим шароитида энергия ва биоўғит ишлаб чиқувчи биогаз қурилмаларнинг ишончлиликни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

Органик чиқиндиларни қайта ишловчи 30 м^3 биогаз қурилмасини лойиҳалаштириш ва ишга тушириш даврида қурилманинг ишончли ва тўхтовсиз ишлашини таъминлаш услубиёти жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 10 майдаги 07/33–2865-сон маълумотномаси). Натижада бир йилда биомассани қайта ишлаш учун сарфланадиган 414,5 кВт·соат электр энергиясини тежалишига эришилган.

Ўзбекистон иқлим шароитида 10, 30, 50, 180 м^3 биогаз қурилмаларни лойиҳалаштириш даврида тизимни тўхташига таъсир этувчи омиллар аҳамиятини аниқловчи дастурий таъминоти жорий этилган (“DIO ARX PROJECT” МЧЖнинг 11.01.2021 № 01-11/2021 сонли далолатномаси). Натижада анъанавий тизимда

лойихалаштирилган қурилмага нисбатан модернизация ва эксплуатацион харажатларни 5 248 976 сўм иқтисод қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика илмий - амалий анжуманларида ва семинарларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2та хорижий журналларда нашр этилган, 3 дастурий гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 120 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилигини мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жаҳонда ва Ўзбекистонда биогаз қурилмаларнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида сўнги вақтларда ишлаб чиқаришга жорий этилаётган биогаз қурилмаларининг мавжуд конструкциялари, технологик режимлари, тизимлари ва ишчи бўғинлари кўриб чиқилган ҳамда анаэроб жараёнининг жадаллаштириш ва биогаз чиқиш миқдорини ошириш учун ушбу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар ва хорижий давлатларнинг етакчи тажрибалари ўрганилган. Республикамишзда барпо этилган биогаз қурилмалари бўйича Давлат стандартларига мос тушиш талаблари таҳлил қилинган.

Дунё амалиётида анаэроб жараёни таъминловчи биогаз қурилмалар бир хил ва уларнинг ишлаш принципидаги фарқ деярли йўқ. Аммо сўнги вақтларда мавжуд замонавий қурилмалар ва улардаги анаэроб жараёни таъминловчи бўғин ва тизимлар таркибига электрон назорат қурилмалари киритилмоқда. Лекин шунда ҳам амалиётда биогаз қурилмаларни ишга тушириш жараёни мобайнида нотўғри ёки хомаки ҳисоб китоблар туфайли юз берган халокатли вазиятлар аниқ мисоллар билан баён этилган.

Ишончлилик нуқтаи назаридан ўрганилганда айнан биогаз қурилмалар бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандартини ўрганилгандда, унда биогаз қурилмаларнинг ишончлилик талабларига фақатгина ўртача хизмат муддати камида 15 йил бўлиб, капитал таъмирдан олдин ўртача ресурс камида 1 йил бўлиши зарур деб кўрсатилган, бўлиб унда берилган ишончлилик кўрсаткичларини эса 1-жадвалда кўришимиз мумкин⁶.

⁶ O'z Dst 2798-2013-Биогаз қурилмалари- Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти, 12.12.2013й http://portal.standart.uz/standart/oz_dst_2798_2013.pdf

Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандартига асосан биогаз қурилмаларнинг ишончилилик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Биореактор ҳажми м ³					
			5	10	25	50	100	500
1	Биомасса бўйича БГҚ кириш ҳажми (намлик 85-92% бўлганда)	кг/d	300	500	1600	3300	6600	30000
2	Олинаётган биоўғит бўйича унумдорлик	%	92	92	92	94	94	94
3	Олинаётган биогаз бўйича унумдорлик	%	8	15	80	165	330	320
4	И/ч қуввати	кВт	2,2	2,5	3	9	14,5	40
5	Қурилма массаси	Т(гача)	1,5	3	7	15	40	70
6	Эгаллаётган ҳудуди	м2	7	15	48	205	248	320

Ушбу 1-жадвалда кўрсатилган ишончилилик кўрсаткичларини таъминлаш учун биогаз қурилмасининг монтажи, демонтажи, техник хизмат кўрсатиш қулайлиги, яъни, қурилмани созлаш, тартибга солиш ва бошқариш мобанида унинг таркибий қисмларига эркин кириш имконияти таъминланиши керак. Бунинг учун эса ушбу жараёнларга таъсир этувчи омилларини ўрганиш лозим.



Бу ерда: 1-тизим ва бўғинларда носозликлар, 2-об ҳавонинг ноқулай шароити, 3-носозликларни аниқловчи датчиклар, 4-операторнинг ҳаракати, 5-қурилманинг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

1-расм. Биогаз қурилмаларнинг носозлигига таъсир этувчи омиллар.

Таҳлилларимиздан хулоса қилиб, бошқа мураккаб тизим каби Ўзбекистон иқлим шароитида биогаз қурилмаларнинг ишончилиги, таркибий қисмларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашдан иборат бўлиб, турли омилларнинг таъсирини ўз вақтида баҳолашга боғлиқ бўлиб ҳамда иш жараёни давомида қурилмаларнинг технологик ишончилилик параметрларини доимий назоратга олинишини талаб этади.

«Биогаз қурилмаларнинг ишончли ишлашини тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида Республикада барпо этилган биогаз қурилмаларни иш жараёнининг таҳлиллари келтирилган.

Биогаз қурилмаларини ишга тушириш жараёни мобайнида юз берган ва бўлиши мумкин бўлган халокатли вазиятлар кўриб чиқилган. Тадқиқотларимизда ва тажрибаларимизда Республикада ҳос кескин континентал иқлим шароити ва атмосфера ўзгаришларини инобатга олинмай барпо этилган ёки адаптация жараёнини ўтмаган биогаз қурилмаларнинг “тахминий” ишга туширилган ҳолатларда, талофатли вазиятларга дуч келганларни кузатилади. (2-расм).

2-расмда кузатган ҳавфли вазиятларнинг асосий сабаби Республикада иқлим шароитида ишловчи биогаз қурилмалари, аксарият қисми қўлбола тайёрланган бўлиб, айрим ҳолатларда меъёрий ҳужжатларга мос ҳолатда тўғри келмайди. Юқоридагилардан хулоса қилиб, биогаз қурилмаларнинг ишончилигини баҳолашда

мавжуд жараёнлар ва уларда иштирок этувчи бўғинларни тадқиқ этиш мақсади қуйилди.



а)




б)



в)


2-расм. Биогаз қурилмаларини ишга тушириш жараёни мобайнида юз берган халокатли вазиятлар: а)иқлим шароити инобатга олинмаганда; б)биореактор ишчи ҳажми нотўғри танланганда; в)иссиқликдан ҳимоя қилинмаганда юз берган тўхташлар.



Бу ерда X ўқида
 1-CO₂% ошган, 2-pH ошган,
 3-биоўғит сифати пасайган,
 4-биогаз миқдори пасайган,
 5-нохуш хидли газлар,
 6-умуман ҳеч қандай газ чиқмаслиги,
 7-CH₄ миқдори ошган,
 8-жараён давомийлигининг ошиши,
 9-жиҳозларнинг носозлиги,
 10-қурилма ишга туширишдан кейин тўхташи,
 11-қурилмани ишга туширишдан олдин тўхташи.

3-расм.Тажрибавий қурилмалар текшириш пайтидаги ҳолатлари.

Биомассани қайта ишлаш мобайнида юз бераётган жараёнларни қурилманинг ишончли ишлашига таъсирини ўрганиш мақсадида, танланган бижиш жараёни, иссиқлик режими ва олинаётган биогаз ҳамда органик ўғитнинг сифати баҳоланди. Лабораторияда тадқиқотлар ўтказилганда, бир хил шароитида термостатнинг 54±20С ҳароратида тўрт кун сақланган тўртта идишдаги биомасса ва ҳосил бўлаётган газлар ҳолати турлича бўлишини кузатдик.Тажрибаларимизда республикамизда барпо этилган йигирма олтига биогаз қурилмалар таҳлил қилинган.




Бу ерда X ўқида: 1-эскирган хомашё,
 2-биореакторга кунлик юклашлар меъёрининг бузилиши, 3-анаэроб жараёни бузилиши, 4-иситиш ва изоляция тизимида носозликлар,
 5-герметикликнинг бузилиши,
 6-биомассанинг майдаланмаганлиги.
 7-биомассада антибиотик ва бошқа дезинфекция воситалари,
 8-автоматик бошқарув системасини бузилиши, 9-операторнинг ҳаракати,
 10-жиҳозларнинг носозлиги.

4-расм. Органик чиқиндиларни анаэроб ишлов бериш биогаз қурилмаларнинг тўхташларига сабаб бўладиган асосий кўрсаткичлар.

Текшириш пайтида (3-расм) CO₂% ошган қурилмалар 7,7%, pH ошган қурилмалар умумий улушида 15,4%, биоўғит сифати пасайган қурилмалар 11,5%, биогаз миқдори пасайган қурилмалар сони 11,5%, нохуш хидли газлар чиқиши кузатилаётган қурилмалар 7,7%, умуман ҳеч қандай газ чиқмаганлиги кузатилган қурилмалар 19,2 % ташкил этганлигини кузатдик. Тажрибавий биогаз қурилмалар тўхташ ҳолатлари

кузатиш натижасида уларни ишончли ишлаб, иқлим шароитига мослаширилган ҳолда қурилманинг умумий тизими ва алоҳида бўғинларнинг ишлашини қаттиқ назорат остига олиш зарурлиги муҳим аҳамият касб этади.



Тажрибаларда биогаз қурилмаларнинг иш жараёни ва унда иштирок этувчи бўғинлар ўзаро муносиб бўлиб, уларни тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун тизимларни тўғри ишлаш ва анаэроб-биоз жараёнини узлуксизлигини таъминлашга боғлиқлиги аниқланди (4-расм).

5-расм. Биогаз қурилмасини тўхтаб қолиш сабаблари ўртасидаги боғлиқликлар.

Биогаз қурилмаларда носозликларни сабабларини бартараф этиш йўлларини аниқлаш учун уларни ўртасидаги боғлиқликларни ўрганилди (5-расм). Ҳар бир носозлик алоҳида ҳолатда ва биргаликда биогазни шахсий эҳтиёжларга фойдаланилиши, махсулот чиқиш кўрсаткичларни пасайиши ва хк.ларни билдиради. (2-жадвал).

Шунингдек, барча носозликлар камида битта салбий натижа олиб келиши мумкин. Бунда барча носозликлар ва уларнинг бирикмалари эҳтимолли характерга эга (2-жадвал).

2-жадвалдан, биогаз қурилмаларда операторининг хатолиги ва иқлим омилларига риоя қилмаслик туфайли носозлик ва тўхташларини юз берганини кўришимиз мумкин.

Тажрибаларимиз орқали, иқлим омиллари таъсирида тасодифий тўхташлар, суткалик об ҳавонинг ўзгариши натижасида жараённинг фавқулотда тўхташларига сабаб бўлиб, машина механизмларни ишламай қолишига олиб келиши кузатилди.

2-Жадвал

Тажрибавий биогаз қурилмалардаги носозликларнинг диагностик матрицаси

Сабаблар номи	Аломатлар							
	CO ₂ % ошган	pH ошган	Биоўғитнинг хусусиятлари пасайган	Биогаз чиқиши пасайган	Ноҳуш хидли газларнинг чиқиши	Ҳар қандан газларнинг чиқиши мавжуд	Шахсий эҳтиёжлар учун биогаз миқдори ошган	Жараён вақти узайганлиги
Эскирган органик чиқинди	+	+	+					+
Биореакторнинг кунлик юклаш дозаси			+	+	+		+	+
Анаэроб жараёнининг бузилиши	+	+	+			+		+
Иссиқлик таъминоти ва вентиляция тизимидаги бузилишлар				+	+	+		+
Герметикликнинг бузилиши				+	+	+		+
Органик массанинг яхши майдаланмаганлиги	+	+	+		+			+
Антибиотиклар ва бошқа дезинфекция воситалари	+	+	+			+		
АБТ тизимининг носозлиги		+	+			+	+	+
Қурилма операторининг нотўғри иши	+	+	+	+	+	+	+	+
Бўғин ва тизимларнинг носозлиги	+	+	+	+	+	+	+	+

Шунингдек, мамлакатимизда барпо этилган анъанавий биогаз қурилмалари

очиқ хавода ўрнатилгани учун республикамиз иқлим шароитини ҳисобга олиб, қурилмаларни ишончли ишлашини ўрганишда узлуксиз, даврий ва аperiодик иссиқлик таъсирлари ажратилди. Иқлимнинг тез суръатларида ўзгариш ҳолатлари ва биогаз қурилмаларни операторлар томонидан назоратсиз қолдирилиши ёки нотўғри ишлатилиши, қурилмаларнинг ишончли ишламаслик ёки бутунлай тўхтаб қолишнинг асосий сабаблари эканлиги аниқланди.

Об ҳаво ҳароратининг ўзгариши биогаз қурилмаларни тўхтовсиз ишлашига хавф солиб, қуйидаги носозлик ҳолатларининг юз бериши кузатилди:

- биогаз қурилмаларининг асосий бўғинлари, аралаштириш, тўкиб олиш, юклаш тизимларида иш сифатининг ёмонлашуви;
- биореакторлардаги ҳароратнинг кескин ўзгариши;
- иситилаётган биомасса ҳароратини ўзгариши, биомассани реактор деворларига ёпишиши;
- қўшимча юкланишларнинг ортиши кузатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биогаз қурилмасининг ишончлилик моделини тўхташ ва тикланиш ҳодисалар оқими ёрдамида таърифланиши зарурати пайдо бўлди. Бунинг учун қурилмаларнинг бошқа тикланадиган объектлар каби ишончлиликни тавсифловчи дастлабки тўхташ кўрсаткичларидан (тўхтовсиз ишлаш эҳтимоллиги, тўхташ эҳтимоллиги, тўхташларнинг интенсивлиги) ташқари қўшимча кўрсаткичлар, яъни тўхташлар оқими параметри ва ўртача тўхташ соатларини тавсифлаш шартли қўйилди.

Диссертациянинг «**Биогаз қурилмаларнинг ишончли ишлашини ҳисоблаш усуллари**» деб номланган учинчи бобида органик чиқиндилардан энергия олиш биогаз қурилмасининг ишончлиликни ҳисоблаш усуллари келтирилган.

Биогаз қурилмалар ишончлилигини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар адабиётларда кам келтирилиши уларни техник ишончлилик кўрсаткичлари билан таққослаш имконияти чегаралаб таҳлилларда қийинчиликларга сабаб бўлди. Бунда биогаз қурилмалар ишончлилигини баҳолаш учун қуйидаги ҳисоблаш кетма кетлик тартиби ҳосил қилинди (6-расм):




Ишончлилигини ҳисоблаш тартибга кўра, агар функционал ишончлилик ҳисобланиш зарур бўлса, 4-5-7 босқичларга ўтилади, агар элементар ҳисоб китоб зарур бўлса, унда 3-6-7 босқичлар бўйича амалга оширилиши аниқланди. Биогаз қурилмалар ишончлилиги кўрсаткичлари ҳам алоҳида бўғин учун ҳам мажмуавий тўхташ мезонларига қараб баҳоланади.

6-расм. Биогаз қурилмалар ишончлилигини ҳисоблаш тартиби

Амалий мақсадлар учун зарурий аниқлик билан бўғинларнинг ишончлилиги таснифлари тўхташ жараёнининг идеаллаштирилган моделини таҳлил қилиш йўли

билан олинади, бунда алоҳида қисмларнинг тўхташ эгри чизиқлари вақтинчалик носозликлар боғлиқлигининг тўғри чизиқлари ҳисобланади.




t элементларнинг эксплуатация даври

Ишчи тугунларнинг чегаравий ҳолатгача бўлган тўхташ жараёнларининг схематик моделида ўхшаш бўғинларнинг индивидуал тўхташ эгри чизиқлари кўрсатилган (7-расм). Бўғинларнинг ишдан чиқишига таъсир этувчи омилларнинг хилма-хиллиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва чизиқли бўлмаган боғлиқлиги туфайли тугунларнинг ишдан чиқиши учун физик қонунлар асосида етарлича қатъий ифодани олиш қийин.

7-Расм. Бўғинларда тўхташлар графиги.

Шунинг учун, муайян турдаги носозликлар учун энг муҳим омилларнинг таъсирини акс эттирувчи ярим. эмпирик ва эмпирик қонуниятлардан фойдаланиш зарур бўлди.



бу ерда:

$t_1 \dots t_n$ – ишга лаёқатлилиқ оралиқлари;
 $\tau_1 \dots \tau_n$ – иш ҳолатини тикланиш оралиқлари

8- расм. Биогаз қурилмаларнинг иш жараёни.


Биогаз қурилмаларининг эксплуатацияси даврида улардаги носозликлар ва тўхташлар олдини олиш модели кечаётган ҳодисалар оқими ёрдамида таърифланиб ҳодисалар бошланғич нуқтасидан бошлаб, объект биринчи тўхташигача ишлаш ва тўхташдан кейин объектнинг ишлаш қобилияти тикланиб, кейинги тўхташгача иш давом этиши ва бу ҳолатлар қайтарилиши аниқланганлиги маълум бўлди. (8-расм) Биогаз қурилмаларидаги жараёнлар тикланадиган объект сифатида барча жиҳозлари биргаликда барқарор ишлаши ва таъмирга лаёқатлилиги мажмуавий кўрсаткичлари, яъни дарҳол тайёр бўлиш коэффиценти $A(t)$ (A) ва дарҳол тайёр бўлмаслик коэффиценти $U(t)$ (U) деб олиб, оператив тайёрлик коэффиценти $K_{от}(t)$ ни, техник фойдаланиш коэффиценти - $K_{тф}$ ва самарадорликни сақланиш коэффиценти $K_{сам}$ кўрсаткичлари қабул қилинди. Маълумки, стационар тайёр бўлиш коэффиценти A мавжуд бўлганда, вақт оралиғи чексизликка интилса биогаз қурилмаларидаги метаногенез учун узоқ вақт талаб этилади ва дарҳол ишга тайёр бўлишнинг чегараси бўлиб қолади. Тайёр бўлмаслик коэффиценти эса аксинча ҳолатни намоён бўлишини кўриш мумкин. Ишни мантикий жавобини тўғри олиш учун мажмуавий кўрсаткичларини баҳолашнинг энг қулай замонавий модели яъни Марков жараёнлари ҳамда мантикий эҳтимоллик усулидан фойдаланиб таққослаб олинди.

Дифференциал тенгламалар системаси Лаплас формуласи билан ечилиб, керакли ишончлилиқ кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради. Демак тикланмайдиган

бўғин учун қуйидаги дифференциал тенгламалар тизимини келтирилди:

$$\left. \begin{aligned} P_0'(t) &= -\lambda P_0(t) + \mu P_1(t), \\ P_1'(t) &= \lambda P_0(t) - \mu P_1(t). \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

Биогаз қурилмаларнинг заҳираланмаган тикланадиган тизими учун бир чизиқли Марков жараёни кўринишида фараз қилиб оламиз, бунда ўзгармас катталиклари λ – тизим тўхташларни жадаллиги, μ – тикланиш жадаллигини англатади. Matlab/Simulink дастури асосида қуйидаги системани ечиб унинг моделини тузамиз, бунда $\lambda = 0.0001(1/с)$; $\mu = 1(1/с)$. λ ва μ турли параметрлари учун модел натижаларини 9.а,б-расмларда ҳамда 3а-б-жадвалларда кўришимиз мумкин.




9.а-расм Марков жараёнлари асосида λ - тўхташ частотасида заҳираланмаган тикланмайдиган тизим учун модел графиги

3.а – жадвал

Заҳирали тикланмайдиган тизим учун Λ тайёр бўлиш ҳолатида ишончлилик модели

μ	Λ			
	0,01	0,05	0,001	0,005
0,1	0,92	0,7	0,993	0,965
0,5	0,98	0,91	0,998	0,99
1	0,99	0,95	0,999	0,995
1,5	0,9934	0,965	0,9993	0,9965
2	0,995	0,975	0,9995	0,9975



9.б-расм μ - тикланиш частотали заҳираланмаган тикланмайдиган тизим учун модел графиги

3.б– жадвал

Заҳирали тикланмайдиган тизим учун U тайёр эмаслик ҳолатида ишончлилик модели


μ	**			
	0,01	0,05	0,001	0,005
0,1	0,08	0,3	0,007	0,035
0,5	0,02	0,09	0,002	0,01
1	0,01	0,05	0,001	0,005
1,5	0,0066	0,035	0,0007	0,0035
2	0,005	0,025	0,0005	0,0025

Ишончлилик нуқтаи назаридан такрорли тикланадиган тизимнинг марков жараёнлари моделини дифференциал тенгламалар системаси қуйидаги кўринишда тузилиб, тикланадиган такрорий тизим учун ечим модели яратилди:


$$\left. \begin{aligned} P_0'(t) &= -2\lambda P_0(t) + \mu P_1(t), \\ P_1'(t) &= 2\lambda P_0(t) - (\lambda + \mu)P_1(t) + \mu P_2(t), \\ P_2'(t) &= \lambda P_1(t) - \mu P_2(t). \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

Тикланадиган тизимнинг тайёрлик ва тайёр эмаслик функцияларнинг вақт

бўйича боғлиқлиги 10.а-б-расм ва 4а-б-жадвалларда кўрсатилган.



10.а-расм. Тикланадиган тизимнинг тайёрлик ва тайёр эмаслик функцияларни λ-тўхташ частотасида вақт бўйича боғлиқлиги.



10.б-расм. Тикланадиган тизимнинг тайёрлик ва тайёр эмаслик функцияларнинг μ- тикланиш частотада вақт бўйича боғлиқлиги.

Қилинган тадқиқот натижаларига қараб қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

-λ параметрнинг ҳар бир қиймати учун биогаз қурилмасини тикланиш жадаллиги (операторларни ўқитиш ёки касбий тайёргарлигини ошириш, ташқи таъсирлардан ҳимояланишни ошириш, тақрорли тизимлар сонини ошириш ва ҳк.) тайёрлик коэффициенини ошириб, тўхтаб қолиш коэффициентини камайтиради.

-Биогаз қурилмасининг тўхташ жадаллигини пасайтириш орқали тайёрлик коэффициент ошиб, тўхташ коэффициенти камайтиради.

Қурилмаларнинг ишончилигини баҳолашда замонавий самарали усулларида бири бўлган Марков жараёнлари моделига асосан функционал яхлитлик схемаси ва эхтимолли-манتيқий модели ҳамда биогаз қурилмасининг тўхташига олиб келувчи устиворлик кўрсаткичи услубиётлардан фойдаланиш мақсади қўйилди.

«Биогаз қурилмаларнинг техникавий-иқтисодий самарадорликни ошириш ва ишоччилигини баҳолаш услубиётлари» деб номланган тўртинчи бобида биогаз қурилмалари ишончли ишлашини таъминлаш ва уларни бошқарилиши ҳамда башорат қилиниши ҳамда тадқиқотлар мобайнида аниқланган омиллар орқали юзага келадиган

4.а – жадвал
Заҳирали тикланадиган тизим учун
А тайёр бўлиш ҳолатида
ишонччилик модели

μ	λ			
	0,01	0,05	0,001	0,005
0,1	0,995	0,91	0,99994	0,9986
0,5	0,9992	0,986	0,999992	0,9998
1	0,9998	0,995	0,9999980	0,99995
1,5	0,99991	0,9975	0,9999991	0,99998
2	0,99995	0,9988	0,9999995	0,99999

4.б – жадвал
Заҳирали тикланадиган тизим
учун U тайёр эмаслик
ишонччилик модели


μ	**			
	0,01	0,05	0,001	0,005
0,1	0,005	0,09	6E-05	0,0014
0,5	0,0008	0,014	8E-06	0,0002
1	0,0002	0,005	2E-06	5E-05
1,5	9E-05	0,0025	9E-07	2,5E-05
2	5E-05	0,0012	5E-07	1,4E-05

тўхташ ҳолатларни олдини олиш учун мантиқий эҳтимоллик услубиётидан фойдаланилди.

Биогаз қурилмасининг ишончилиги эҳтимолли жараён бўлганлигини ҳисобга олиб, тўхташ ходисаларга мантиқий ёндашувда бўлган мантиқий эҳтимоллик усули, тизимлар ишончилигини моделлаш ва ҳисоблашнинг барча муаммоларини шакллантириш ва ҳал қилиш учун асос бўлиб ҳисобланиши мумкинлигини инобатга олинди. Ишончилик функциясини график шаклида ифодалаш учун биогаз қурилмасининг тўхташи ва ишончли (узлуксиз) ишлаши шажараси шаклига келтирилди ва уни таҳлил қилинди. Ва бажарилаётган ҳар қандай функциянинг бирортаси бажарилмаслиги энергетик қурилмасининг тўхташ ҳолати юзага келиши мумкинлиги ўз аксини топилди.

